

КЎП СОНЛИ АДЕНТИЯСИ МАВЖУД БОЛАЛАРДА ТИШ ПРОТЕЗЛАШГА ЁНДАШУВ

Г.Э.Арипова, С.С.Муртазаев, Г.А.Муратова

Ташкентский государственный стоматологический институт

Долзарблиги. Эктодермал дисплазиядаги кўп сонли тишлар йўқлиги Н.В.Бондарец маълумотларига кўра: 6-тадан кам йўқотилган тишлар- 54.2%, 6-тадан кўп тишларнинг йўқотилганлиги эса- 25.1 % ташкил қилади. С.Х.Агаджанян (1985) бўйича 2-та тишнинг йўқлиги - 48.5%, 4-та тишнинг йўқлиги- 15.9%, 5-10-та тишларнинг йўқлиги- 15.3%, 10-та тишдан кўп йўқотилса 20.3% ни ташкил этади. Шунга асосан, эктодермал дисплазияли кўп сонли адентияси бор болаларни ташхислаш ва комплекс даволаш долзарб ҳисобланади.

Мақсад. Кўп сонли адентияли болаларда тиш протезлашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Материал ва усуллар. ТДСИ Ортодонтия кафедрасига мурожат қилган кўп сонли адентияси мавжуд эктодермал дисплазияли 7 нафар 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларда клиник, рентгенологик, антропометрик, фотометрик ва статистик текширишлар ва махсус протетик даволаш ўтказилди. 14 нафар тенг ёшлик соғлом, аммо тиш қаторларида қисман адентияси мавжуд болалар назорат гуруҳи сифатида олинди.

Натижалар. Туғма эктодермал дисплазияси бор болаларда назорат гуруҳига нисбатан кескин юз морфологияси ўзгариши борлиги ҳисобига комплекс даволаш жараёнида ортопедик тикланиши ўзига хос ўтказилди. Назорат гуруҳидаги протезлашнинг анъанавий усулидан фарқланган ҳолда, клинко-лаборатор босқичларини такомиллаштирилди, юз пропорциялари оптимал тикланди. Функционал чайнов самарадорлиги ошгани объектив белгилар билан тасдиқланди. Юзнинг симметриялари ва эстетик кўринишлари Ильина-Маркосян бўйича ижобий ўзгариш берди. Болаларнинг психо-эмоционал ҳолати биз томондан таклиф этилган 10-баллик эстетик баҳолаш шкаласи ёрдамида назоратга олинди.

Хулоса. Туғма эктодермал дисплазиялик адентияси бор болаларда протезлаш жараёнини оқилона амалга оширилди. Таклиф этилган 10-баллик эстетик баҳолаш мезони, протезлаш босқичларини такомиллаштириш, морфологик бутликни яратиш, альвеоляр ўсиқларни протез томондан самарали функционал юклантириш каби ўзгаришларга эришиш учун замин яратди.